

## Саждадаги дуо мустажоб



13:00 / 08.11.2020 5166

أَمُّ بَرَقَةَ: لَأَقِمْ لِسْوَءِ هَلْ لِي صَبِيٍّ لَلْأَنْعَامِ، هُوَ نَعْمٌ لَلْأَنْعَامِ يَضَرُّ رَعِيَّتَهُ بِأَنْعَامِ  
عَاقِلَاتٍ أَوْ ثَوَائِفٍ، دَجَّاسٌ وَهُوَ بَرٌّ نَمُّ دَبَّعٌ لَأَنْوَكَيْ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Банданинг Роббисига энг яқин пайти у сажда қилганидир. Бас, дуони кўпайтиринглар», дедилар».

Шарҳ: Намоз банданинг ўз Роббиси билан яккама-якка муножотидир.

Намоз мўминнинг меърожидир, у банданинг Аллоҳнинг ҳузурда ўзини энг хор ва энг паст тутган ҳолидир.

Сажда эса намознинг бандалик энг равшан намоён бўлиб, хорлик ва зорлик зоҳир бўладиган жойидир. Банданинг зорлиги қанчалар ошса,

Аллоҳга шунчалар яқинлашади. Шунинг учун ҳам банда саждада Роббисига энг яқин ҳолда бўлади. Роббисига яқин турганда сўрагани қабул бўлиши шундан. Шунинг учун ҳам саждада кўпроқ дуо қилиш керак.

Имом Муслим ва Аҳмадлар ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингким, мен рукуъда ва саждада турган ҳолимда Қуръон қироат қилишдан наҳйи қилиндим. Аммо рукуъда Аллоҳни улуғланглар, саждада эса дуо қилишга ижтиҳод қилинглар. Ижобат бўлиши аниқдир», деганлар.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**